

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**10-сон**  
**(94)**  
**2004 й.**  
**март**

---

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

113. «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги ПФ–3406-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

114. «Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарори

115. «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 110-сон қарори

116. «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 мартдаги 111-сон қарори

117. «Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарори
118. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарори [Кўчирма]
119. «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чакирув тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 116-сон қарори [Кўчирма]
120. «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

121. «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 6, 2004-06-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 мартда 1097-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
122. «Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 1, 2004-01-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 мартда 1109-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
123. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 17, 01-02/8-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 мартда 1124-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
124. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 12, 2004-11-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 мартда 1123-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
125. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат

солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 2, 2004-02-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 мартда 1110-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 6 мартдан 12 мартгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **113 Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида:

1. Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил қилинсин ҳамда уларга 48 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан марказий маҳкама учун 3 та штат бирлиги ажратилсин.

2. Худудий прокуратураларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш; асосий қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва ғалла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текширишлар ўтказиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи сунистеъмом қилинишига, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик;

ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ус-тидан доимий назоратни амалга ошириш;

ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёқилғимойлаш материалларини ўғирлаб талон-торож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларининг олдини олиш чораларини кўриш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан қонунчиликни кенг қўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

3. Мазкур ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, шунингдек вилоят, туман прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг тузилмаси 1—6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Прокуратура тизими (ҳарбий прокуратурадан ташқари) ходимларининг чегараланган умумий сони 4641 та штат бирлигидан, шу жумладан бошқарув ходимлари — 3791 штат бирлигидан иборат қилиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори (Р. Қодиров) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазири (М. Нурмуродов) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг штатлар рўйхатини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсинлар.


5. «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 январдаги 33-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**


Тошкент ш.,  
2004 йил 11 март,  
ПФ-3406-сон

### Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг тузилмаси



Прокурор-тергов ходимларининг жами штат бирлиги — 183

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг  
намунавий тузилмаси**



**Тошкент шаҳар прокуратурасининг тузилмаси**






### Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасининг тузилмаси



Прокурор-тергов ходимларининг жами штат бирлиги — 31

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2004 йил 11 мартдаги  
ПФ-3406-сон Фармониغا  
5-ИЛОВА


**Вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳар туманлари  
прокуратураларининг намунавий тузилмаси**



Прокурор-тергов ходимларининг жами штат бирлиги — 6—29

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2004 йил 11 мартдаги  
ПФ-3406-сон Фармониغا  
6-ИЛОВА

**Туман (шаҳар) ва уларга тенглаштирилган ҳарбий округ,  
худудий ҳарбий, транспорт ва махсус прокуратураларнинг  
намунавий тузилмаси**



Прокурор-тергов ходимларининг жами штат бирлиги — 2—18

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **114** Портловчи ва захарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда матнда комиссия деб юритилади) таркиби 2-иловага\* мувофиқ;

Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият лицензияланиши керак бўлган портловчи ва захарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек портлатиш воситалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш ҳамда сарфлашда назорат қилиш, ҳисобга олиш ва хавфсизликни таъминлашнинг улардан рухсатсиз ва белгиланган мақсаддан бошқа мақсадда фойдаланишни истисно қилувчи ишончли, самарали тизимини яратиш;

портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятини лицензиялаш ва кейинчалик унинг мониторингини олиб бориш бўйича ишларни ташкил этиш.

3. Комиссиянинг ишчи органи функцияси «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига (кейинги ўринларда матнда ишчи орган деб юритилади) юклансин.

Белгилаб қўйилсинки, ишчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиялар бериш ёки лицензиялар беришни рад этиш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди ва қўриб чиқиш учун комиссияга киритади; тегишли хулосалар тайёрлаш учун экспертларни жалб этади;

---

\* 2-илова берилмайди.

портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш соҳасида берилган лицензияларнинг алоҳида реестрларини юритади; лицензияланаётган фаолиятнинг айрим турлари бўйича ишлаётган юридик шахслар бўйича маълумотлар банкни яратади ва сақлайди;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини (уларнинг бузилишидан далолат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда) белгиланган тартибда режали ва режадан ташқари текширади, текшириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур ахборотларни лицензиатдан сўраб олади;

лицензия талаблари ва шартларининг мавжуд бузилишларини бартараф этиш бўйича лицензиатга ёзма қўрсатмалар жўнатади, улар бажарилмаган тақдирда эса комиссияга кўриб чиқиш учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритади;

Комиссиянинг самарали фаолиятини ташкил этиш, портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни бажаради.

4. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси Ички ишлар вазирлиги (З.А. Алматов), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Б.Ж. Субанов), Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Б.Б. Алихонов), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (А.Ж. Раматов), «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (В.Н. Тян), «Ўзавтойўл» давлат компанияси (Р.Р. Юнусов) билан биргаликда замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда Портловчи моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани, Портловчи моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини ташиш қоидаларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 март,  
109-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши қурол-яроғлар ва ўқ-дориларни яратиш, ишлаб чиқариш, шунингдек захарли моддалардан тиббиёт мақсадларида фойдаланиш бўйича фаолиятга татбиқ этилмайди.

3. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадиган Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда матнда комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

4. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси (кейинги ўринларда матнда ишчи орган деб юритилади) комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

5. Ишчи орган лицензиялар бериш ёки лицензиялар беришни рад этиш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун комиссияга киритади.

Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш ҳуқуқига лицензиялар бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш учун ишчи орган тегишли хулосалар тайёрлаш учун экспертларни жалб қилишга ҳақлидир.

6. Портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга ва фақат юридик шахсларга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

**II. Лицензия талаблари ва шартлари**

7. Қуйидагилар портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

лицензиат томонидан портловчи ва захарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш

соҳасидаги қонун ҳужжатларига, давлат стандартларига, техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда санитария норма ва талабларига мажбурий риоя қилиш;

портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек портлатиш воситалари яратиладиган, ишлаб чиқариладиган объектларнинг ишончли қўриқланишини, уларни ташишнинг кузатиб борилишини таъминлаш ҳамда портловчи ва заҳарли моддалардан рухсатсиз фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган режим ва бошқа чора-тадбирларни кўриш;

портловчи ва заҳарли моддаларнинг, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларнинг, шунингдек портлатиш воситаларининг фаолиятнинг лицензияланаётган турига тегишли қисми миқдори ва сарфланишини ҳисобга олиб бориш;

лицензия талабгори томонидан портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишнинг амалга оширилишини тартибга солувчи зарур норматив-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги;

лицензия талабгоридан унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқача қонуний асосда тегишли бўлган, фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалдаги норма ва қоидалар талабларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда бажариш учун зарур моддий-техник базанинг (бинолар, хоналар, ҳудудлар, аппаратлар, асбоб-ускуналар, транспорт, назорат ва ўлчаш, ҳисоблаш ва ташкилий техника воситаларининг) мавжудлиги;

штатда тегишли малакага эга бўлган, норма ва қоидалар талабларига мувофиқ портловчи ва заҳарли моддалар билан ишлашга рухсат этилган техник ходимнинг, шу жумладан лицензияда кўрсатилган фаолият тури бўйича тегишли маълумотга ва камида бир йил иш стажига эга бўлган раҳбарлар ҳамда муҳандис-техник ходимларнинг мавжудлиги;

сурункали рухий касалликлар, гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизм юзасидан ҳисобда турувчи, шунингдек портловчи ва заҳарли моддаларни қўлланиш билан боғлиқ қасддан жиноят содир этганлиги учун муддати ўталмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлган ходимларнинг йўқлиги;

фаолиятнинг лицензияланаётган тури билан боғлиқ ишларни бевосита бажарувчи ходимларнинг мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказилиши;

заҳарли моддаларнинг ёнишини ва оқиб чиқиб кетишини бартараф этиш учун зарур бўлган воситаларнинг мавжудлиги ва ишга тайёр ҳолатда сақланиши.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида санаб ўтилганлардан келиб чиқувчи аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

### III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг (унинг бир қисмининг) юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

фаолиятнинг лицензияланаётган турларига рухсат этилган тегишли малакали техник ходимларнинг ички ишлар ҳудудий органлари билан белгиланган тартибда келишилган рўйхати;

сурункали рухий касалликлар, гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизм юзасидан ҳисобда турувчи, шунингдек портловчи ва заҳарли моддаларни қўлланиш билан боғлиқ қасддан жиноят содир этганлиги учун муддати ўталмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлган ходимларнинг йўқлиги тўғрисидаги, тегишли тиббиёт муассасаларининг маълумотномалари илова қилинган маълумотлар;

лицензия талабгориди портловчи ва заҳарли моддаларни амалдаги норма ва қоидалар талабларига мувофиқ сақлаш учун жойларнинг (портловчи материаллар омборининг тайёрлиги тўғрисидаги далолатнома, омборнинг ижарага олинганлик шартномаси ва бошқалар), уларни ташиш учун техник воситаларнинг, портловчи моддаларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжудлигини тасдиқловчи техник ҳужжатлар;

ходимнинг лицензияланаётган фаолият билан боғлиқ ҳалокатли вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаси;

лицензия талабгори томонидан унинг аризаси ишчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар ишчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи орган масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

12. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади. Лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

14. Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси ишчи орган томонидан олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб йиғирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун комиссияга киритади.

Ишчи орган лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун юқориди кўрсатиб ўтилган муддат доирасида:

лицензия талабгориди лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун мавжуд шарт-шароитларни жойига бориб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб этиш ҳуқуқига эга.

Комиссия ишчи органнинг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

15. Ишчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

16. Лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

17. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, комиссия томонидан тасдиқланади ва ишчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Ишчи орган раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

18. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, комиссия лицензия бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи органнинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаб-



лари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи орган ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойихаси билан тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгида берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдоридан йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ишчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

аниқланган бузилишларни бартараф этиш юзасидан лицензиатга таклиф юбориш, бундай бузилишларни бартараф этишнинг таклиф этиладиган муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида ишчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш**

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдоридан жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

33. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда куйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилиш асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ишчи органдан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

35. Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


### **IX. Давлат божини тўлаш тартиби**

36. Лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

37. Лицензия берганлик учун давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш  
бўйича фаолият лицензияланиши керак бўлган портловчи ва  
заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва  
маҳсулотлар, шунингдек портлатиш воситалари рўйхати**

**А. Портловчи моддалар ва портлатиш воситалари**

**Портловчи моддалар:**

аммиакли селитралар асосида (аммонитлар, аммоналлар, акватоллар, граммонитлар, гранулитлар, детонитлар, динамонлар, карбатоллар, порэмитлар ва бошқалар);

нитробирикмалар ва уларнинг аралашмалари (тротил, динитронафталин, нитроглицерин, нитроглеколь, ТЭН — пентаэрититтетранитрат, гексоген, октоген, тетрил ва бошқалар);

тутунли ва тутунсиз порохлар, зарядлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар; иссиққа чидамли портловчи моддалар, зарядлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар.

**Портлатиш воситалари:**

ўт ўтказувчи пилта, порохларни ёқишнинг махсус воситаси;

пистон — портлатгичлар, пистонсиз портлатишда тезлаштирадиган воситалар, электрпортлатгичлар, шунингдек электрлангалатувчилар ва қудуқларда ўқ отиб портлатиш ишлари учун иссиққа чидамли портловчи патронлар;

тез портловчи пилталар, тез портловчи тасмалар, пиротехник реле; оралик портлатгичлар ва шашка — портлатгичлар.

**Б. Заҳарли моддалар:**

акрилонитрил (вентокс);

метил спирти;

мишьякли ангидрид;

мишьяксимон ангидрид;

дихлорид симоблар (сулема) ва бошқа симоб тузлари;

никель тетракарбонили;

сарик фосфор;

цианидли водород ва унинг тузлари (натрий цианид, калий цианид, кадмий цианид, кумуш цианид, симоб цианид ва оксидцианид, қўрғошин цианид, мис цианид, рух цианид, кальций цианид);

цианқотишма;

«циклон»;

этилмеркурхлорид.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 115 Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги фаолияти- ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони бажариш юзасидан, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг асосий вазифалари ҳисоблансин:

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда бажариш ва уларнинг ижроси устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

республика коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатини ва Ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошириш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ислох қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, техник-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

республика аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлашни амалга ошириш, минтақалараро сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш;

минтақалараро сув қувурларини, коммунал газ сотиш тармоқларини ишлатиш ва ривожлантириш, шунингдек маиший чиқиндиларни тўплаш, фойдаланиладиган қилиш ва қайта ишлаш соҳасида ягона техника сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш;

тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни, шу жумладан қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳисобига жалб этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 68 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 53 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директориغا Агентликнинг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 21 декабрдаги 493-сон қарорининг 7-бандидаги «ва уларни ривожлантириш» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**


Тошкент ш.,  
2004 йил 5 март,  
110-сон

**Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ташкилий тузилмаси**





### Ўзбекистон «Ўзкоммунизат» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 68 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 53 киши, ёрдамчи ходимлар — 15 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 мартдаги 110-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (кейинги ўринларда агентлик деб аталади) коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги вазифаларни бажариш учун махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

Минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бош дирекцияси;

ҳудудий газ таъминоти корхоналари;

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги объектларини қуриш инжиниринг компанияси;

«Ўзбеккоммуналлойиха» лойиҳалаш институти;

«Ўзгазлойиха» лойиҳалаш институти;

«Ўзкоммунқувташкilotчи» маркази.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентлик марказий аппаратини моддий-техник таъминлаш унинг таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳар ойдаги ажратмалари, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар ҳисобига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

### II. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади: коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда бажариш ва уларнинг ижроси устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

республика коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатини ва ҳукумат томонидан қабул қилинган чоратадбирларни амалга ошириш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ислох қилиш бўйича ишларни муво-

фиқлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, техник-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

республика аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлашни амалга ошириш, минтақалараро сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш;

минтақалараро сув қувурларини, коммунал газ сотиш тармоқларини ишлатиш ва ривожлантириш, шунингдек маиший чиқиндиларни тўплаш, фойдаланиладиган қилиш ва қайта ишлаш соҳасида ягона техника сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш;

тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни, шу жумладан қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳисобига жалб этиш.

8. Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

коммунал тармоқни иқтисодий ислоҳ қилиш масалаларини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритади;

коммунал газ сотиш хўжаликларини ва минтақалараро сув қувурларини ривожлантириш тенденцияларини ўрганади ҳамда қонуниятлари ва тенденцияларини умумлаштиради, ушбу соҳадаги ягона техник сиёсатни шакллантиради ва ўтказиш;

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бўлган қонун ҳужжатларига, техник шартлар ва талабларга риоя этилиши мониторингини амалга оширади;

балансларни ишлаб чиқиш учун республика улгуржи истеъмолчилари ва аҳолисининг табиий ва суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжи параметрларини аниқлашда белгиланган тартибда қатнашади;

ҳудудий газ таъминоти корхоналарининг юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича ҳар чораклик йиғма ҳисоб-китобларини амалга оширади ва даромад (фойда) солиғи бўйича йиғма ҳисоб-китобни солиқ органига тақдим этади;

минтақалараро сув қувурларини, шунингдек ҳукумат топшириғига биноан коммунал мақсадлардаги бошқа объектларни қуриш бўйича буюртмачи функциясини белгиланган тартибда амалга оширади;

коммунал мақсадлардаги илғор технологияларни, асбоб-ускуналар, приборлар, машина ва механизмларни яратади ва жорий этишни ташкил қилади, уларни ишлаб чиқариш ишларини амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси коммунал хўжалиги эҳтиёжлари учун янги машиналар, асбоб-ускуналар ва приборлар яратиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради;

коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини, инжиниринг, консалтинг, аудиторлик ва уй-жой-коммунал тармоқдаги бошқа ташкилотлар шохобчаларини яратишга кўмаклашади;

коммунал хўжалиги ва машиналар, приборлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш масалалари юзасидан хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади, маҳаллий корхоналар ва ташкилотларга хорижий фирмалар ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишда кўмаклашади;

ушбу сектор корхоналари фаолиятининг мунтазам мониторингини олиб бориш, ривожлантириш тенденцияларини ва илғор тажрибани ўрганиш, уни жорий этишга кўмаклашиш йўли билан маиший чиқиндиларни тўплаш, фойдаланиладиган қилиш ва қайта ишлаш бўйича ягона техника сиёсатини амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун мутахассисларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда кадрлар малакасини оширишни ташкил қилади;

газ таъминоти тизимларини ривожлантириш ҳамда ҳукумат топшириғига биноан сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, санитария жиҳатидан тозалаш, ирригация ва ҳудудларни, аҳоли пунктларини дренажлашни ривожлантириш концепциялари, истиқболли дастурлари ва схемаларини ишлаб чиқади, уларни рўёбга чиқаришни амалга оширади;

жойлардаги молия ва бошқа манфаатдор маҳаллий бошқарув органлари ҳамда ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорликда тариф сиёсатини, уй-жой-коммунал хизматлар истеъмоли нормаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича методологик ишларни амалга оширади;

минтақалараро сув қувурлари объектлари ва коммунал газ сотиш шохобчалари бўйича илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳалаш-қидирув ишларини амалга ошириш стратегиясини шакллантиради ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

9. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар орқали ҳал қилади.

### **III. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

10. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

коммунал соҳадаги энг муҳим муаммоларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар ва кенгашлар ташкил этиш, материалларни ишлаб чиқишга илмий-тадқиқот, технология, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини, олий-ўқув юртлари ва бошқа муассасаларнинг ходимларини, шунингдек алоҳида олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

ҳудудий газ таъминоти корхоналарининг харажатлари ва даромадлари сметасини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ўз фаолияти учун зарур статистик ва бошқа ахборотларни статистика ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бажариши учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Агентлик зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, қўмиталар ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга.

12. Агентлик ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### **IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

13. Агентликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошқаради.

Бош директорнинг бир нафар ўринбосари бўлади.

Бош директор мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосари вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

Минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бош дирекцияси директори мақомига кўра агентликнинг бош директори ўринбосари ҳисобланади.

14. Агентликнинг бош директори:

Агентлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, агентлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг агентлик фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш ҳамда тасарруфидаги корхоналарнинг ишлари учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

агентлик тизими раҳбарлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

агентликнинг марказий аппарати штатлар жадвалини тасдиқлайди, унинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида, шунингдек агентлик марказий аппарати харажатлари сметасига ўзгартиришлар киритади;

агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, тасарруфидаги корхоналарнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

агентлик марказий аппарати ходимларини, тасарруфидаги корхоналар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Агентликда таркибига бош директор (хайъат раиси), лавозимига кўра бош директор ўринбосарлари ва агентликнинг бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 5 кишидан иборат хайъат тузилади.

Агентлик хайъатининг шахсий таркиби бош директор тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Агентлик хайъати агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, агентликнинг энг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Хайъат қарорлари бош директор буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Бош директор ва хайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда бош директор ўз қарорини амалга оширади. Бош директор пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

16. Худудий газ таъминоти корхоналари агентликка ҳисобот беришади ва ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган Намунавий низомга мувофиқ амалга оширади.

Худудий газ таъминоти корхоналари директорлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига биноан агентлик бош директорининг қарори билан тайинланадилар.

17. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 мартдаги 110-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низомни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 13 февралдаги 74-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 10-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши ҳамда қарорга 1-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Табий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисобкитоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 мартдаги 90-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 16-модда) 3-илованиннг 4-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованиннг 40-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика газ таъминоти тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 октябрдаги 421-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 94-модда) 6-бандининг тўртинчи хатбоши, шунингдек ушбу қарорга 4-илова, 5-иллованиннг 4-банди.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **116** **Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш комиссияси:

---

\* 2-илова берилмайди.

икки ҳафта муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ лицензияланадиган фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар рўйхатини белгиласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 6 ноябрдаги 489-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 111-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 март,  
111-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 6 мартдаги 111-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомга мувофиқ ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятнинг қуйидаги турлари лицензияланиши керак:

ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан муомалада бўлиш, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини лойиҳалаштириш, барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик асбоб-ускуналарни, радиациядан муҳофазаланиш воситаларини яратиш ва тайёрлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари;

ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиш.

2. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда матнда комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси (кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

3. Ишчи орган лицензия бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) тўғрисидаги аризаларни тегишли ҳужжатлар билан қабул қилади, улар бўйича эксперт хулосаси, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида комиссия қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун комиссияга киритади, ли-

цензияларни расмийлаштиради ва қайта расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензия реестрларини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди ва тиклайди.

4. Фақат юридик шахслар лицензия талабгори бўлиши мумкин.

5. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

6. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

лицензиатлар томонидан радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, табиатни муҳофаза қилиш қоидалари, санитария нормалари, радиациявий хавфсизлик қоидалари ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мажбурий риоя қилиниши;

лицензия талабгорида унга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ билан тегишли бўлган, тегишли белгиланган талабларга жавоб берувчи фаолиятнинг лицензияланадиган турини бажариш учун мўлжалланган бинолар (ишлаб чиқариш хоналари, омборлар ва бошқалар) мавжудлиги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини бажариш учун зарур моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситалар мавжудлиги;

радиациявий хавфсизлик хизмати мавжудлиги;

иш жойларида, хоналарда, ишлаб чиқариш ҳудудларида, санитария-муҳофаза зоналарида ва кузатув зоналарида, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбалари чиқарилиши, ташланиши ва улар кўмилган жойларда радиациявий ҳолат устидан ишлаб чиқариш назорати амалга оширилиши;

қўлланилмайдиган ионлаштирувчи нурланиш манбалари кўмиб ташланишини таъминлаш;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари ҳисобланган маҳсулотлар, материаллар ва моддалар, технологик жараёнларнинг радиациявий хавфсизлигини асослаш ва баҳолаш ишлари олиб борилиши;

радиациявий авария юз берганда радиациявий хавфсизликни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлиги;

лицензияланадиган фаолият бўйича ишларни бевосита бажарувчи ходимларда тегишли олий ёки ўрта махсус маълумот мавжудлиги;

сурункали руҳий касалликлар, гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизм юзасидан ҳисобда турувчи ходимлар, шунингдек ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомаласи соҳасида қасдан жиноят содир этганлиги учун муддати ўталмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлган ходимлар йўқлиги;

ишлаб чиқариш раҳбарлари, ишлаб чиқариш назорати хизмати ходимлари, мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш;

фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан боғлиқ ишларни бевосита бажарувчи ходимларнинг мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказилиши;



ходимлар нурланишининг якка тартибдаги дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш;

ходимларни иш жойларидаги ионлаштирувчи нурланиш даражалари ва улар томонидан олинган якка тартибдаги нурланиш дозаси миқдори тўғрисида мунтазам хабардор қилиш;

юридик шахс штатида фаолиятнинг лицензияланадиган тури бўйича камида 3 йил иш стажига эга бўлган камида уч мутахассис мавжудлиги.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида санаб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан келиб чиқувчи аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

### **III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар**

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг (унинг бир қисмининг) юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияланадиган фаолият ишлари билан бевосита шуғулланадиган ходимлар рўйхати, унда уларнинг маълумоти бўйича мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, лицензияланадиган фаолият тури бўйича иш стажы кўрсатилади;

ишчи орган аризани кўриб чиққанлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгори томонидан лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартларнинг бажарилиши имкониятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

10. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар ишчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилди.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳ масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

12. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

### **IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензиатнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

14. Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги

фаолият турларини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гуруҳ ариза олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этади.

Ишчи орган лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун кўрсатиб ўтилган муддат доирасида:

лицензия талабгорига лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун мавжуд шарт-шароитларни жойларга чиқиб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб этиш ҳуқуқига эга.

Комиссия ишчи гуруҳнинг таклифи олинган кундан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи комиссия раиси томонидан имзоланади.

15. Ишчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, комиссия томонидан тасдиқланади ва ишчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Ишчи орган раҳбари лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан имзоланади.

17. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи органнинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Айни вақтда ишчи орган ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун комиссияга тақдим этади.

Комиссия ишчи орган таклифи олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколинини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бе-

риш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат ишчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида комиссияга кўриб чиқиш учун таклиф киритиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида ишчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

#### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш**

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

33. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади. Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юрidik шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензияланадиган фаолият турининг номи;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилиш асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумот юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар ишчи органдан ҳақини тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма тарзида маълумот олишга ҳақлидирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.


### **IX. Давлат божини тўлаш тартиби**

35. Лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

36. Лицензия берганлик учун давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш схемаси**



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХКАMАСININГ ҚАРОРИ

## **117 Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш комиссияси:

икки ҳафта муддатда Комиссия тўғрисидаги низомни, шунингдек лицензиялар бериш ҳақида хулосалар тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳи тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ушбу низомларни ҳамда эксперт гуруҳи шахсий таркибини тасдиқласин;

ушбу қарорга мувофиқ лицензияланадиган фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар рўyxатини бир ой муддатда белгиласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 март,  
112-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхта-тиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда матнда комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

---

\* 2-илова берилмайди.

Комиссия фаолияти комиссия томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ ташкил этилади.

3. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси) (кейинги ўринларда ишчи орган деб юритилади) комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Лицензиялар бериш ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш, тайёрлаш ва комиссия мажлисига киритиш учун ишчи органда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги ва бошқа ташкилотлар мутахассисларидан эксперт гуруҳи ташкил этилади. Эксперт гуруҳининг шахсий таркиби ва гуруҳ тўғрисидаги низом комиссия томонидан тасдиқланади.

4. Фақат юридик шахслар лицензия талабгори бўлишлари мумкин.

5. Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензия берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилади.

6. Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

## II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

лицензиат томонидан Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, санитария нормалари ва талабларига мажбурий тарзда риоя қилиниши;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжуд бўлиши;

қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олинишини белгилаб берадиган зарур норматив-техник ҳужжатлар мавжуд бўлиши;

фойдали қазилмаларни бойитишнинг лойиҳа технологияларига риоя этилиши; қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошларнинг бутлиги, уларнинг сақланиши ва уларни транспортда ташиш, топшириш ва реализация қилишга нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этилиши;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг (қимматбаҳо металллар ва тошлар қазиб олиш амалга оширилган тақдирда) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг мавжуд бўлиши;

қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар белгиланган тартибда ҳисобга олиниши ва хатловдан ўтказилиши таъминланиши;

қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш соҳасида олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган зарур миқдордаги мутахассисларнинг бўлиши;



сурункали руҳий касалликлар, гиёҳвандлик юзасидан диспансер ҳисобида турадиган, шунингдек қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар билан муомала қилиш соҳасида қасддан жиноят этганлиги учун муддати ўталмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлган шахсларнинг ходимлар ўртасида йўқлиги;

Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси ва Қимматбаҳо металллар агентлиги ҳамда бошқа ваколатли органлар вакилларининг минерал хом ашё қазиб олиш устидан давлат назоратини амалга ошириш учун корхонага киритилиши таъминлаши.

Лицензия битимида ушбу бандда санаб ўтилганлардан келиб чиқадиган аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

8. Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олишни амалга оширишда фойдаланиладиган моддий-техника базага, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларга қўйиладиган талаблар «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Қимматбаҳо металллар агентлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат геология қўмитасининг таклифлари асосида комиссия томонидан тасдиқланади.

### III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган фаолиятнинг лицензияланадиган тури (унинг бир қисми) ва кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

сурункали руҳий касалликлар, гиёҳвандлик юзасидан диспансер ҳисобида турадиган, шунингдек қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар билан муомала қилиш соҳасида қасддан жиноят этганлиги учун муддати ўталмаган ёки олиб ташланмаган судланганлиги бўлган шахсларнинг ходимлар ўртасида йўқлиги;

қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш билан бевосита шуғулланадиган ходимларнинг рўйхати, рўйхатда уларнинг маълумоти бўйича мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, лицензияланадиган фаолият тури бўйича иш стажи кўрсатилади;

лицензия талабгорининг лицензияланадиган фаолият турини амалга оширишга қўйиладиган талабларга мувофиқлиги тўғрисида «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Давлат геология қўмитаси ҳудудий органларининг хулосаси;

ишчи орган томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг (қимматбаҳо металллар ва тошлар қазиб олиш амалга оширилган тақдирда) рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси;

лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар ва шартлар лицензия талабгори томонидан бажарилиши имкониятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

10. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд

олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Хужжатлар эксперт гуруҳининг масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

12. Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

13 Лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорига йиғим ундирилади.

Лицензиатнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Хужжатлар қабул қилиб олинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт гуруҳига киритилади.

Эксперт гуруҳи ариза олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун комиссияга киритади.

Лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун ишчи орган, шу жумладан эксперт гуруҳи юқорида кўрсатилган муддат ичида:

фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия талабгорининг мавжуд шарт-шароитларни жойнинг ўзига бориб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун экспертларни шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

Комиссия эксперт гуруҳи таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

15. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат бож тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия битими ишчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг реквизитлари;  
амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;  
лицензиянинг амал қилиш муддати;  
лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;  
лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишининг ишчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва ишчи орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади, комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда ишчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмахона усулида тайёрланади. Лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси раҳбари шахсан жавоб беради.

Лицензиялар ишчи орган томонидан расмийлаштирилади ва комиссия раиси томонидан имзоланади.

17. Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда эксперт гуруҳи ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин беш кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди, лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тасдиқлаш учун комиссияга киритади.

Комиссия эксперт гуруҳи таклифи олингандан кейин беш кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Ко-

миссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи комиссия раиси (унинг ўрин-босари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

#### **V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш**

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

26. Йўқолган ёки амал қилиш муддати ўтмаган яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензияларнинг дубликатларини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

#### **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан дало-

лат берувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида комиссияга кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

### **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Ишчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, ишчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг бекор қилиниши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, комиссия лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

### **VIII. Лицензиялар реестри**

33. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;  
лицензияланадиган фаолият тури номи;  
лицензиянинг амал қилиш муддати;  
лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;  
лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;  
лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси;  
дубликат бериш асослари ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар тўлов асосида ишчи орган-дан аниқ лицензиатлар тўғрисида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар бепул берилади.


### **IX. Давлат божини тўлаш тартиби**

35. Лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

36. Лицензия берилганлиги учун давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

**Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш схемаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **118** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ва республиканинг сафарбарлик тайёргарлигини янада такомиллаштириш, стратегик ва сафарбарлик аҳамиятига эга бўлган захиралар шаклланиши жараёнларининг давлат бошқарувини мақбуллаштириш юзасидан ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий захиралари бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси («Ўздавзахира» қўмитаси) этиб қайта ташкил қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда давлат стратегик захирасида моддий бойликлар тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилишининг йиллик ҳажмларини аниқлаш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари шакллантирилишини, шу жумладан уларнинг тўпланиши, сақланиши ва янгиланишини таъминлаш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар томонидан давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари шакллантирилиши (тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилиши), шунингдек қарз олинган товарлар ва маҳсулотларнинг сифатли ва миқдорий сақланиши ва ўз вақтида қайтарилиши таъминланиши бўйича топшириқлар бажарилишини доимий назорат қилиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкор фойдаланишга доимий тайёрликни таъминлаш.

3. Қўйидагилар:

«Ўздавзахира» қўмитаси тизимининг ташкилий тузилмаси ва унинг ходимларининг чекланган умумий сони 52 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 36 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

«Ўздавзахира» қўмитаси раисига бир нафар ўринбосарга ва етти кишидан иборат таркибда ҳайъатга эга бўлишга рухсат берилсин;

«Ўздавзахира» қўмитаси раисига марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг чекланган белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавзахира» қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий захиралари бош бошқармасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.



«Ўздавзахира» қўмитаси ва унга қарашли ташкилотлар ихтиёрида мавжуд асосий воситалар, шу жумладан улар эгаллаб турган ер участкалари билан биргаликда бинолар ва иншоотлар сақлаб қолинсин.

5. Белгилансинки, «Ўздавзахира» қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат моддий резервлар Бош бошқармаси («Ўздаврезерв»)ни ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 4 февралдаги 43-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

### Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ


Тошкент ш.,  
2004 йил 9 март,  
113-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг ташкилий тузилмаси



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини  
бошқариш қўмитаси марказий аппарати тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 52 киши, шу жумладан:  
бошқарув ходимлари — 36 киши, техник ходимлар — 6 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси (кейинги ўринларда матнда қўмита деб юритилади) давлат стратегия ва сафарбарлик захираларини (кейинги ўринларда матнда давлат захираси деб юритилади) шакллантириш, сақлаш ва захираларга хизмат кўрсатишни бошқариш ва назорат қилишни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш учун махсус вакил қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Қўмита тизимига унга қарашли қўйидаги ташкилотлар киради: «Магнит» комбинати (Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри), «Марказий» комбинати (Тошкент шаҳри), «Илғор» комбинати (Самарқанд вилояти, Жума шаҳри), «Озодлик» комбинати («Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри), «Ўзмахсустаъминот» агентлиги (Тошкент шаҳри).

3. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Қўмита ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Қўмита ва унга қарашли давлат стратегик захирасининг моддий бойликларини сақлаш ташкилотлари сафарбарлик органларига тегишлидир ҳамда хавфсизлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминланадиган, муҳимлигига кўра тоифалаштирилган объектлар рўйхатига киради.

6. Қўмита ва унга қарашли ташкилотларнинг моддий-техника таъминоти, шунингдек қўмита тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш қўмитага ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджетидан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бюджетдан ташқари манбалардан амалга оширади.

7. Қўмита ва унга қарашли ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланади, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига (шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига), Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

### **II. Қўмитанинг вазифалари ва функциялари**

8. Қўйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда давлат стратегик захирасида моддий бойликлар тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилишининг йиллик ҳажмларини аниқлаш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари шакллантирилишини, шу жумладан уларнинг тўпланиши, сақланиши ва янгиланишини таъминлаш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар томонидан давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари шакллантирилиши (тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилиши), шунингдек қарз олинган товарлар ва маҳсулотларнинг сифатли ва миқдорий сақланиши ва ўз вақтида қайтарилиши таъминланиши бўйича топшириқлар бажарилишини доимий назорат қилиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкор фойдаланишга доимий тайёрликни таъминлаш.

9. Қўмита ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат стратегик захирасида моддий бойликлар ҳаракатининг (тўплаш, янгилаш, алмаштириш, чиқариш) йиллик ҳажмларини шакллантиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритади;

давлат стратегик захираси товарлари ва маҳсулотлари тўпланиши, жойлаштирилиши, сақланиши ва чиқарилишини белгиланган тартибда таъминлайди;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар томонидан давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари шакллантирилиши (тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилиши), шунингдек қарз олинган товарлар ва маҳсулотларнинг сифатли ва миқдорий сақланиши ва ўз вақтида қайтарилиши таъминланиши бўйича топшириқлар бажарилишини назорат қилади;

давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари моддий бойликлари билан ишлашда қонун бузилишлари аниқланганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни қўллайди;

республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантириш бўйича харажатлари молиялаштирилишини, шунингдек қўмита таркибий бўлинмалари фаолияти молиялаштирилишини белгиланган тартибда амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидаги моддий бойликлар тўғрисидаги йиғма ҳисоботларни, уларни тўплашга доир топшириқлар бажарилиши ҳамда давлат стратегик ва сафарбарлик захирасига қайтарилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра давлат захиралари масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади.

10. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда ўзига қарашли ташкилотлар орқали ҳал этади.

### III. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари ҳажмларига ва уларни сақлаш учун жойлаштириш жойларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш;

мустақил равишда ёки ўзига қарашли ташкилотлар орқали, шунингдек вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар орқали давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари товарлари ва маҳсулотларини харид қилишни (импорт ҳам шу жумлага киради) ва реализация қилишни (экспорт ҳам шу жумлага киради) белгиланган тартибда амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларда давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари моддий бойликларининг ҳисоби тўғри юритилиши, тўпланиши, сақлаш шароитлари таъминланиши, уларнинг сифатли ва миқдорий сақланиши ва улардан фойдаланиш таъминланиши юзасидан белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари корхоналарда масъулиятли сақланишини текшириш учун зарурат бўлганда, белгиланган тартибда вазирликлар, идоралар, ихтисослаштирилган ташкилотларнинг мутахассисларини (шу жумладан пулли асосда) жалб этиш;

янгилиниши керак бўлган маҳсулотлар ўз вақтида чиқарилиши (шу жумладан қайта ишланиши) чора-тадбирларини кўриш;

давлат захиралари товарлари ва маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш муаммолари бўйича белгиланган тартибда идоравий ўқув марказлари ва тадқиқотлар олиб боровчи илмий марказлар ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш ва давлат захиралари тизими, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларига хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик ҳисобидаги таъмирлаш-қурилиш, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа корхоналарнинг ходимлари малакасини ошириш.

12. Қўмита ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### IV. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

13. Қўмитага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинландиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади.

Қўмита раисининг бир нафар ўринбосари бўлади.

Қўмита раиси меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари эса — вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

14. Қўмита раиси:

қўмита фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ходимларнинг белгиланган сони доирасида қўмита тузилмасига ўзгартиришлар киритади, унинг марказий аппарати штат жадвалини, шунингдек қўмита марказий аппарати ва унга қарашли ташкилотларнинг харажатлари сметасини тасдиқлайди;

қўмитага қарашли ташкилотларнинг тузилмасини ва улар тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

қўмита марказий аппарати ходимларини, қўмита тизимига кирадиган унга қарашли ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Қўмита қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Қўмитада қўмита раиси (хайъат раиси) ва унинг ўринбосаридан ҳамда қўмита тизимининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда етти кишидан иборат хайъат ташкил этилади.

Хайъатнинг шахсий таркиби қўмита раисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қўмита хайъати қўмита фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, қўмитага қарашли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитади, қўмитанинг энг муҳим қарорлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Хайъат қарорлари қўмита қарорлари билан амалга оширилади.

16. Қўмита қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси объектларида, шаҳарларида, шаҳар кўринишидаги шаҳарчаларида, туманларнинг марказларида ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда Ички ишлар вазирлигининг ёнғин соқчилигини ташкил этиш тартиби тўғрисида» 1996 йил 20 мартдаги 112-сон қарорининг 1-бандидаги «Ўздаврезерв» сўзи «Ўздавзахира» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 14 августдаги 397-сон қарорининг 1 ва 5-бандларидаги «Ўздаврезерв» сўзи «Ўздавзахира» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2004 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўғрисида» 2003 йил 11 ноябрдаги 500-сон қарорига 3-иловадаги «Ўздаврезерв» сўзи «Ўздавзахира» қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХКАMASINING ҚARORI

**119** Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида**[Кўчирма]**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилинсин.

2. 1977—1986 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда, Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни қўшинларга тантанали кузатиб қўйишни ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф. Ғуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг зарур лаборатория текширувлари ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан сифатли ва ҳар томонлама тиббий текшириб қўрилишини ташкил этсин. Чақирилувчиларни тиббий текширишнинг ҳолислиги муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф. Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.А. Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Р. Иноятов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, ҳарбий интизомни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини, муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни ҳарбий мутахассисликларга ўқитиш жараёнида хавфсизлик чора-тадбирларига риоя этилишини, ҳарбий хизматчиларни миллий-маънавий қадриятлар ва замонавий ҳарбий анъаналар асосида маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни;

янгидан чақирилган шахсий таркиб учун зарур уй-жой-маиший шарт-шароит-

лар яратилиши ва жиҳозланишини, уларнинг белгиланган талабларга ва таъминот нормаларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли моддий таъминланишини;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.О. Обидов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Қуроли Кучлардан бўшатишган фуқароларни уларнинг эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва ҳаётий тажриба орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик кўрган кадрлар захираси ҳисобланган шахслар сифатида бошқа тенг шароитларда (таълим, касб малакаси ва бошқалар) устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.С. Фуломов) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (Б.М. Исмоилов), алоқадор вазирликлар, идоралар билан биргаликда:

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролардан бўлган шахсларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун сифатли тайёрлаш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратсин;

мамлакатнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тест синовлари ўтказишда муддатли ҳарбий хизмат давомида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар учун энг юқори тўпланадиган баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча баллар тарзидаги қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни ҳисобга олсин.

#### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 март,  
116-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **120 Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*



Фармонини бажариш юзасидан ҳамда автомобиль ва дарё транспорти фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш;  
иктисодиёт тармоқлари ва аҳолининг юк ва йўловчилар ташишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш;

автомобиль ва дарё транспорти соҳасида ягона техника сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш;

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни лицензиялашни ташкил этиш;

автомобиль ва дарё транспортида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси ва агентлик ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмаси 1—3-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 31 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 22 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига агентлик бошлиғининг икки нафар ўринбосари ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган беш кишидан иборат ҳайъат бўлишига рухсат берилсин.

Агентлик бошлиғига марказий аппарат ва ҳудудий бўлимлар тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган сони ва таъминот харажатлари сметаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва баъзиларига ўзгартиришлар киритилсин.


5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 март,  
118-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг  
ташкилий тузилмаси**




### Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги марказий аппарати тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 31 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 22 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бўлимининг намунавий тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 141 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 116 киши бўлган 14 ҳудудий бўлим.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисида НИЗОМ

#### И. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейинги ўринларда агентлик деб аталади) таркибий ва институционал ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш, хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш учун махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Агентлик тизимига Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлиmlари, Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник таъминлаш республика маркази, «Автодарёттранс-илм» касб малакасини ошириш давлат илмий-методик маркази, «Ўзбекистон автомобилчиси» газетаси таҳририяти киради.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фар-

мойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимларининг моддий-техник таъминоти, шунингдек ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш лицензиялар берганлик учун давлат божидан, лицензия бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун йиғимлардан ажратмалар, сузиш воситаларини ҳисобга қўйганлик ва кўриқдан ўтказганлик учун маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## II. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш; иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг юк ва йўловчилар ташишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамоат автомобиль ва дарё транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш;

автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш;

автомобиль ва дарё транспорти соҳасида ягона техника сиёсатини ўтказиш;

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни лицензиялашни ташкил этиш, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилишини назорат қилиш;

автомобиль ва дарё транспортида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига сафарбарлик вазиятида ва фавқулодда вазиятларда автомобиль транспорти махсус бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиришда кўмаклашиш.

8. Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш соҳасида:

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

автомобиль ва дарё транспортдан фойдаланиш соҳасида халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашади;

агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқа давлатлар маъмуриятлари ва тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

автомобиль ва дарё транспорти фаолиятининг норматив базасини такомиллаш-

тириш, амалдаги халқаро автомобиль йўлакларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг янгиларини барпо этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун давлат органига киритади;

вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, дастурлар, шунингдек тармоқларни ривожлантириш бўйича бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг агентлик фаолиятига оид қисмини эксперт баҳолайди ва уларга розилик беради;

б) иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг юк ва йўловчилар ташишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

жамоат автомобиль ва дарё транспорти фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган йўловчилар ташишнинг халқаро ва вилоятлараро йўналишларини тасдиқлайди;

в) автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш соҳасида:

ташиш йўналишларини тендер асосида реализация қилиш механизмларини жорий этади, тендер ташкилотчилари ишларини мувофиқлаштиради;

йўловчилар ташиш бўйича шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш юзасидан очиқ тендерларни ташкил этади ва ўтказиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда автомобиль ва дарё транспорти хизматлари учун тариф сиёсатини шакллантиради;

г) ягона техника сиёсатини ўтказиш соҳасида:

халқаро нормаларни ҳисобга олган ҳолда автомобилда ва дарёларда ташишлар бўйича фаолиятни тартибга солиш стандартлари, қоидалари, шакллари ва усуллари юзасидан маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантиради, илмий-техник ишларни олиб боради;

сувда кишиларнинг ҳаёти қўриқланишини ва кемалар сузиши хавфсизлигини таъминлайдиган кемалар ва сузиб юривчи қурилмаларни лойиҳалаштириш, улардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш талаблари бажарилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилишни ташкил этади ва амалга оширади;

фойдаланилаётган кемалар ва сузиб юривчи қурилмаларни ҳисобга олади, таснифлайди, рўйхатдан ўтказиши, Регистр қоидалари ва шунингдек кемалар ва сузиб юривчи қурилмаларни таъмирлашга доир бошқа норматив ҳужжатлар қоидалари бажарилишини назорат қилади;

кемаларга ва сузиш воситаларига кема гувоҳномалари, малака гувоҳномалари, сузишга яроқлилик тўғрисидаги гувоҳномани, нефть, оқова сувлар ва ахлат билан ифлосланишнинг олдини олиш тўғрисидаги гувоҳномани ҳамда Регистр қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни беради;

автомобиль ва дарё транспортда хавфли юклар, қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий контингентлар транзити амалга оширилганда хулосалар беради;

д) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда автомобиль ва дарё транспортда фаолиятни лицензиялашни, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этади, лицензиялар реестрини юритади;

е) автомобиль ва дарё транспортида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш соҳасида оммавий касбларга, шу жумладан ҳайдовчиликка тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда тармоқ кадрлари малакасини ошириш бўйича базавий ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

9. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий бўлимлар, ўзига қарашли бошқа органлар ва муассасалар орқали ҳал этади.

### III. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган автомобиль ва дарё транспорти соҳасидаги ахборотни юридик ва жисмоний шахслардан сўраш ва олиш;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали ва режадан ташқари текшириш;

автомобиль ва дарё транспортдан фойдаланиш қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисида давлат органларига таклифлар киритиш;

автомобиль ва дарё транспорти фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини таҳлил этиш ва такомиллаштириш масалалари бўйича мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

кемалар ва сузиш воситаларидан тўғри фойдаланилиши, уларнинг табелда қайд этилган таъминот ва инвентарь билан бутланганлиги, улар томонидан сузиш ва фойдаланиш хавфсизлиги таъминлиниши бўйича қоидалар ва талаблар бажарилиши, кемалар сузадиган йўллар ва кемалар сузадиган вазиятнинг ҳолати устидан назорат қилиш, экипажнинг билимларини текшириш;

кема ҳужжатларининг амал қилиш муддати тамом бўлганда, кемалар малакали экипаж билан бутланмаганда, бортда авария-қутқариш, ёнғинга қарши инвентарь мавжуд бўлмаганда, сузиб юривчи қурилмаларда одамларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи нуқсонлар пайдо бўлганда, кемалардан фойдаланиш, ёнғинга қарши ва санитария хавфсизлиги қоидалари талаблари бузилганда кемалар ва сузиб юривчи қурилмалардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақиқлаш;

агар сузиш воситаларининг ҳолати сузишнинг ва фойдаланишнинг хавфсизлигини ёки сузиш воситаларининг хавфсиз тўхтаб туришини таъминламаса, улардан фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақиқлаш;

хавфсиз сузиш шароитларини, одамларнинг ҳаёти муҳофаза қилинишини, ички сув йўлларида юкларнинг ишончли ташилишини, кемаларнинг ифлосланишининг олдини олишни таъминловчи сузиш воситаларига қўйиладиган техник талабларни белгилаш, ушбу талаблар бажарилишини техник назорат қилиш, сузиш воситалари таъмирланаётган даврда чиқариладиган Регистр қоидалари асосида уларни таснифлаш, кўриқдан ўтказиш ва назорат қилиш;

хорижий ва миллий юк ва йўловчилар ташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг автомобиль ва дарё транспорти соҳасидаги халқаро шартномалари асосий шартлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат маҳаллий ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Агентлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

12. Агентлик ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

13. Агентликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади.

Бошлиқнинг икки нафар ўринбосари бўлади.

Агентлик бошлиғи мақомига кўра вазирга, бошлиқ ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

14. Агентлик бошлиғи:

якка бошчилик асосида агентлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ходимларнинг тасдиқланган чекланган сони ва таъминот харажатлари сметаси доирасида марказий аппарат ва ҳудудий бўлимлар тузилмасига ўзгартиришлар критади;

марказий аппарат ходимларини ва агентликнинг ҳудудий бўлимлари, агентлик тизимига кирувчи ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

15. Агентликда таркибига агентлик бошлиғи (ҳайъат раиси), бошлиқ ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва агентлик тизими бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 5 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби агентлик бошлиғининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Агентлик ҳайъати агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, агентликнинг таркибий ва ҳудудий бўлимлари, ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, агентликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари агентлик бошлиғининг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Бошлиқ билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлганда бошлиқ ўз қарорини амалга оширади. Пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида бошлиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

16. Ҳудудий бўлимлар ўз фаолиятини агентлик томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширади.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раҳбарлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига кўра агентлик бошлиғи томонидан тайинланадилар.

17. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 июлдаги 296-сон қарорининг 2, 3 ва 5-бандлари ҳамда мазкур қарорга 1 ва 4-иловалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспорти соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 5 июндаги 245-сон қарорининг 6-банди, 6—8-иловалар, шунингдек ушбу қарорга 9-илованинг II бўлими 2-банди.

**II.** Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспорти соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 5 июндаги 245-сон қарорига 2-иловадаги «Йўловчи» суғурта компанияси» ва «Навойтранс» автомобилда юк ва йўловчилар ташиш уюшмаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**121 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни  
ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 мартда 1097-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январда 7, 2002-8-сон қарор билан тасдиқланган Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1097-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон; 2003 й., 4-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири М. Нурмуратов**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
6-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж. Сайфиддинов**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
2004-06-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**122** Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 мартда 1109-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сонли қарорига асосан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январда 15 ва 2002-12-сон қарор билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 13 март, рўйхат рақами 1109-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 11-12, 19-сон; 2003 й., 4-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
1-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
2004-01-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**123** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 мартда 1124-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2002 йил 23 январда 27 ва 02/8-2-сон қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1124-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 7, 14-сон; 2003 й., 4-сон) иловага\* биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 январь,  
17-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 январь,  
01-02/8-2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**124** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 мартда 1123-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 28 январда 26-сон ва 2002-24-сон қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1123-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2002 й., 7-сон; 2003 й., 4-сон) 5-бандидаги «в» кичик банди чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 январь,  
12-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 январь,  
2004-11

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**125** **Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 мартда 1110-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сонли қарорига асосан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январдаги 10-сон ва 2002-16-сон қарор билан тасдиқланган Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 14 март, рўйхат рақами 1110-сон — Меърий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 17-18-сон; 2003 й., 5-6-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
2-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
2004-02-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 6 мартдан 12 мартгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 6, 2004-06-сон қарори.

***2004 йил 12 мартда 1097-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 мартдан кучга киради).***

2. «Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 1, 2004-01-сон қарори.

***2004 йил 12 мартда 1109-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 мартдан кучга киради).***

3. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 17, 01-02/8-2-сон қарори.

***2004 йил 12 мартда 1124-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 мартдан кучга киради).***

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 12, 2004-11-сон қарори.

***2004 йил 12 мартда 1123-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 мартдан кучга киради).***

5. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 2, 2004-02-сон қарори.

***2004 йил 12 мартда 1110-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 мартдан кучга киради).***

